

ИСЛОМ КАРИМОВ номидаги **ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ «ФАН ВА ТАРАҚҚИЁТ» ДАВЛАТ
УНИТАР КОРХОНАСИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.К/Т.03.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ИСЛОМ КАРИМОВ номидаги **ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА
УНИВЕРСИТЕТИ «ФАН ВА ТАРАҚҚИЁТ» ДАВЛАТ УНИТАР
КОРХОНАСИ**

ТУХЛИЕВ ҒАЙРАТАЛИ АХМАДАЛИЕВИЧ

**ИМПОРТ ЎРНИНИ БОСУВЧИ САМАРАЛИ КОМПОЗИЦИОН
ПОЛИМЕР ЕЛИМЛАР ВА УЛАРНИ ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ
ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**02.00.07 – Композицион, лок-бўёқ ва резина материаллари кимёси
ва технологияси (техника фанлари)**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Тухлиев Гайратали Ахмадалиевич

Импорт ўрнини босувчи самарали композицион полимер елимлар ва уларни олиш технологиясини ишлаб чиқиш..... 3

Тухлиев Гайратали Ахмадалиевич

Разработка эффективного импортозамещающего композиционного полимерного клея и технологии их получения..... 19

Tukhliev Gayratali Akhmadalievich

Development of an effective import-substituting composite polymer adhesive and technology for their production 35

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 38

ИСЛОМ КАРИМОВ номидаги **ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ «ФАН ВА ТАРАҚҚИЁТ» ДАВЛАТ
УНИТАР КОРХОНАСИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.К/Т.03.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ИСЛОМ КАРИМОВ номидаги **ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА
УНИВЕРСИТЕТИ «ФАН ВА ТАРАҚҚИЁТ» ДАВЛАТ УНИТАР
КОРХОНАСИ**

ТУХЛИЕВ ҒАЙРАТАЛИ АХМАДАЛИЕВИЧ

**ИМПОРТ ЎРНИНИ БОСУВЧИ САМАРАЛИ КОМПОЗИЦИОН
ПОЛИМЕР ЕЛИМЛАР ВА УЛАРНИ ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ
ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**02.00.07 – Композицион, лок-бўёқ ва резина материаллари кимёси
ва технологияси (техника фанлари)**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.2.PhD/T2224 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ислон Каримов номидаги Тошкент давлат техника университетининг «Фан ва тараққиёт» давлат унитар корхонасида бажарилган.

Диссертация автореферати уч (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) тилда Илмий кенгашнинг www.gupft.uz манзили веб-саҳифасида ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталининг www.ziyonet.uz манзилида жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Негматова Комила Сайибжановна
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Собиров Баходир Бойпўлатович
техника фанлари доктори, доц

Амонов Мухтор Раҳматович
техника фанлари доктори, профессор

Етақчи ташкилот:

Тошкент кимё-технология институти

Диссертация ҳимояси Ислон Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети «Фан ва тараққиёт» давлат унитар корхонаси ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.К/Т.03.01 рақамли Илмий кенгашнинг **2021 йил «21» 09 соат 14⁰⁰** даги мажлисида онлайн тарзида бўлиб ўтади (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Мирзо Ғолиб кўчаси, 7а-уй. Тел.: (+99871) 246-39-28; факс: (+99871) 227-12-73, e-mail: gupft@inbox.uz, «Фан ва тараққиёт» давлат унитар корхонаси биноси, 2- қават, анжуманлар зали).

Диссертация билан «Фан ва тараққиёт» давлат унитар корхонасининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (23-рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Мирзо Ғолиб кўчаси, 7а-уй. Тел.: (+99871) 246-39-28; факс: (+99871) 227-12-73

Диссертация автореферати 2021 йил «10» сентябрь куни тарқатилди.
(2021 йил «26» август №23-2021 рақамли реестр баённомаси).



С.С. Негматов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, ЎЗР ФА академиги

М.Э. Икрамова
Илмий даражалар берувчи илмий Кенгаш илмий котиби, к.ф.н., к.и.х.

А.М. Эминов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Бугунги кунда дунёда саноат корхоналари, қурилиш ва мебел саноатида турли материалларни ёпиштириш учун ишлатиладиган полимер елимларга бўлган талаб кун сайин ўсиб бормоқда. Бу борада металл, шиша, пластмасса, картон ва бошқа идишларга қоғоз этикеткаларни ёпиштириш, алкоғолли ичимликларнинг акциз маркалари белгиларини ёпиштириш учун юқори адгезион-когезион хоссаларга эга бўлган композицион полимер елимларни яратиш ҳамда озиқ - овқат саноати учун алоҳида аҳамиятга эга.

Жаҳонда қоғоз этикеткаларни ва бошқа таништирувчи оғоҳлантирувчи белгиларни ёпиштириш, алкоғолли ичимликларнинг акциз маркалари белгиларини ёпиштириш учун саноат чиқиндилари асосида арзон ва юқори физик-кимёвий хоссага эга бўлган самарали композицион полимер елимларни яратиш бўйича олиб борилаётган илмий изланишлар катта аҳамиятга эга бўлмоқда. Бу борада, жумладан, юқори адгезион-когезион хоссаларга эга бўлган самарали композицион полимер елимларни яратиш ва сифатини ошириш, физик-кимёвий хоссаларини яхшилаш, шунингдек, уларни олиш технологиясини такомиллаштириш бугунги кунда алоҳида аҳамият касб этади.

Республикамизда маҳаллий хом ашё ва саноат чиқиндилари асосида елим ишлаб чиқариш борасида илмий-тадқиқот ишлари олиб борилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегиясининг тўртинчи бобида «...илмий-тадқиқот ва инновацион фаолиятни рағбатлантириш учун самарали механизмлар, илмий ва инновацион ишланмаларни қўллаш...»¹ бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада маҳаллий хом ашё ва саноат чиқиндилари асосидаги органоминерал ингредиентлардан самарали композицион полимер елимларни ҳамда уларни олиш технологиясини ишлаб чиқиш, юқори физик-кимёвий хоссага эга бўлган импорт ўрнини босувчи композицион полимер елимларни олишга қаратилган илмий тадқиқотлар, турли ҳароратда олинган елимларнинг мустаҳкамлигини, олинган композицион полимер елимларни яроқлилик муддати ва бўкишини аниқлаш усуллари билан боғлиқ илмий тадқиқотлар муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7-февралдаги ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 23 августдаги ПҚ-3236-сон «2017-2021 йилларда кимё саноатини ривожлантириш дастури тўғрисида»ги, 2019 йил 4 октябрдаги ПҚ-4477-сон «2019-2030 йилларда Ўзбекистон Республикасининг «яшил» иқтисодиётга ўтиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фармонга тегишли бошқа меъёрий-

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси ривожланишининг бешта устувор йўналишларидаги ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги № ПФ-4947-сонли Фармони

хуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. «Кимёвий технологиялар ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Композицион полимер ва елимловчи материаллар яратиш ва ишлаб чиқиш борасида куйидаги олимлар ўзларининг ҳиссаларини кўшганлар: Tadashi Ashida, Rahman Kamali, S.Huismand, R.Morgen, A.D. Amore, D.Jully, G.Akovali, Н.С. Ениколопов, С.Н. Журков, В.В. Коршак, А.С. Вольфсон, А.А. Берлин, М.С. Акутин, Ю.С. Липатов, Э.Ф. Олейник, Ф.Мэттьюз, Г.С. Головкин, Ж.Х. Халиков, М.А. Аскарлов, С.С. Негматов, С.Ш. Рашидова, Г.Рахмонбердиев, А.Т. Джалилов, Т.М. Бобоев, Х.И. Акбаров, А.Умаров, Н.С. Абед, А.Х. Юсупбековлар, композицион полимер материаллар ва улар асосида елимлар олиш технологиясини ишлаб чиқиш борасида А.Kumar, Н.Ј. Derpe, К.Еrnat, Н.Sane, А.А. Moslemi, Н.А. Miller, В.А. Белого, А.И. Свиреденок, М.И. Петроковен, Е.И. Карасеев, С.А. Угрюмов, В.Н. Волюнский, Г.И. Шварцман, В.В. Глухих, Г.А. Голубицкая, В.М. Курлюмов, В.Г. Савкин, А.В. Струк, В.Н. Соломко, Р.Г. Махкамов, А.Салимсаков, А.А. Рискулов, Ф.А. Магруппов, Р.С. Сайфутдинов, З.Н. Мухитдинов, К.С. Негматова, Б.Х. Туляганов, А.С. Ибадуллаев ва бошқаларнинг ишлари бағишланган.

Мавжуд ишларни таҳлил қилиш асосида, елимларни тадқиқ қилиш ва ишлаб чиқишда, иссиқликка чидамлилиги, об-ҳавога чидамлилиги ва адгезион-когезион хусусиятлари тадқиқотнинг мураккаблиги сабабли етарли даражада ёритилмаган. Маҳаллий хом ашё ва саноат чиқиндилари асосида юқори адгезион-когезион хусусиятга эга бўлган ва иссиқлик-совуқликка чидамли бўлган композицион полимер материаллар ва улар асосида ёпишқоқ елимлар ишлаб чиқиш хали охирига етмаган. Мазкур диссертация ишида ушбу муаммони ечимига доир масалалар кенг ёритиб берилган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ислон Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети хузуридаги «Фан ва тараққиёт» Давлат унитар корхонасининг илмий тадқиқот режасига мувофиқ №Ф-7-90 «Самарали композицион лок-бўёқ, полимер материаллар ва улар асосида қопламалар олиш учун полимер материалларнинг адгезион хоссаларини йўқотиш ва шаклланиш механизмларини тадқиқ қилиш ва қонуниятларини аниқлаш» (2017-2020 йй.), №А-12-023 «Акциз маркали алкоғолли ичимликлар учун маҳаллий ва иккиламчи хом ашёдаги органик ва ноорганик ингредиентлар асосида композицион полимер елимларни самарали таркибини ишлаб чиқиш ва олиш технологиясини ўзлаштириш» (2016-2018йй.) ва 11.05. 2017 йилдаги №5 ««Ўзметкомбинат АЖ» шароитида иссиқлик ўтказмайдиган материаллар ишлаб чиқаришда қўллаш учун

маҳаллий хом ашё ва саноат чиқиндилари асосида фенолформальдегид смоласини ўрнини босувчи елимларни самарали таркибини ишлаб чиқиш» мавзуларидаги лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади импорт ўрнини босувчи самарали композицион полимер елимлар ва уларни олиш технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

полимер елимларининг замонавий ҳолатининг тахлили ва уларни саноатнинг турли соҳаларида қўлланилиши, шу жумладан, акциз маркали алкоголь ичимликларнинг маркировкаларини ёпиштириш учун;

импорт ўрнини босадиган алкоголь ичимликларни ишлаб чиқаришда қўллаш учун композицион полимер ёпиштирувчи елимларни ишлаб чиқариш учун маҳаллий ва иккиламчи хом ашёлардаги органик ва ноорганик ингредиентларни тури, тузилиши, таркиби ва табиатларини ўрганиш натижалари асосида уларни илмий асосланган ҳолда танлаш ва физик-кимёвий хоссаларини ҳамда тузилишини ўрганиш;

ишлаб чиқиладиган композицион полимер елимларнинг физик-кимёвий ва мустаҳкамлик хоссаларини шаклланишига маҳаллий ва иккиламчи хом ашёлардан полимер боғловчилар ва органоминерал ингредиентларнинг табиати, тузилиши, таркиби ва миқдорининг таъсирини ўрганиш;

алкоголли ичимликлар ишлаб чиқаришда ва саноатнинг бошқа соҳаларида қўллаш учун маҳаллий ва иккиламчи хом ашёлардан полимер боғловчилар ва органоминерал ингредиентлар асосида композицион полимер ёпишқоқ елимларнинг оптимал таркибини ишлаб чиқиш;

маҳаллий ва иккиламчи хом ашёлар асосидаги органоминерал ингредиентлардан композицион полимер елимларнинг технологиясини ўзлаштириш ва тажриба партияларини ишлаб чиқаришни амалга ошириш, олиш технологиясининг илмий-услубий тамойилларини ишлаб чиқиш ҳамда техник-иқтисодий самарадорлигини ҳисоблаш;

композицион полимер елимларни олиш учун ташкилот стандарти (Ts) ва технологик регламентни ишлаб чиқиш ҳамда акциз маркасига эга бўлган алкоголли ичимликларни маркировкаларини ёпиштириш учун яратилган композицион полимер елимларнинг ишлаб чиқариш шароитида тажриба – саноат синовларидан ўтказишни ташкил этиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида органик ва ноорганик ингредиентлар, кимёвий толалар, маҳаллий ва иккиламчи хом ашёлардаги органоминерал ингредиентлар асосидаги юқори адгезион мустаҳкамликни, иссиқликга чидамликни ва яхши умрбоқийликни таминловчи композицион елим олинган.

Тадқиқотнинг предмети маҳаллий хом ашё ва саноат чиқиндиларидаги органоминерал ингредиентлар асосида композицион полимер ёпишқоқ елимларнинг самарали таркибларини олиш, юқори адгезион-когезион хоссаларини, шунингдек, турли хил омилларга бардошлилигини ошириш, ҳамда акциз маркаларига эга бўлган алкоголли ичимликларнинг

маркировкаларини епиштириш учун елимларнинг шаклланиш шароитлари ташкил этган.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишини бажаришда физик-кимёвий, технологик таҳлилнинг замонавий усуллари, ИҚ - спектроскопия, рентген фазали таҳлил ва бошқа таҳлилнинг стандарт усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

органоминерал ингредиентларнинг тури, кимёвий табиати, тузилиши ва таркиби, елим композицияларининг физик-механик ва теплофизик хусусиятларига боғлиқ ҳолда уларнинг адгезион ва когезион мустаҳкамлиги шаклланишида асосий қонуниятларни аниқлашга асосланган, олдиндан берилган хоссаларга эга бўлган композицион полимер елимлар яратилган;

маҳаллий хом ашё ва саноат чиқиндиларидаги органик ва ноорганик ингредиентлар асосида юқори термодинамик барқарорлиги, атмосферага чидамлилиги, шунингдек, арзонлиги, иқтисодий ва экологик ҳавфсизлиги жиҳатидан ажралиб турувчи, алкоғолли ичимликларнинг маркировкаларини епиштириш учун янги самарали импорт ўрнини босувчи композицион полимер епишқоқ елимлар ишлаб чиқилган;

композициянинг когезион ва адгезион хоссаларини шаклланишида органоминерал ингредиентларнинг тури, табиати, тузилиши, миқдори ва нисбатларининг аниқланган таъсир қонуниятлари асосида маҳаллий хом ашё ва саноат чиқиндиларидаги органоминерал ингредиентлар асосида ишлаб чиқарилаётган композицион полимер елимларнинг оптимал таркиби аниқланган;

маҳаллий хом ашё ва саноат чиқиндиларидаги органоминерал ингредиентлар асосида юқори когезион ва адгезион хоссаларини таъминловчи композицион полимер елимларни яратиш ва олишнинг илмий – услубий ва технологик тамойиллари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

органоминерал компонентларнинг самарали таркибларини танлашга илмий асосланган ёндашув асосида олинган натижалар алкоғолли ичимликларни акциз маркалари билан маркалаш учун композицион полимер епишқоқ елимларни самарали таркиблари ишлаб чиқилган;

тадқиқот натижалари асосида алкоғолли ичимликларни акциз маркалари билан маркалаш учун маҳаллий хом ашё ва саноат чиқиндиларидаги органоминерал ингредиентлар асосида самарали композицион полимер елимларни оптимал таркиблари ишлаб чиқилган;

ишлаб чиқилган композицион полимер елимларни яроқлилиқ муддати, адгезион ва когезион хоссалари, шунингдек, иссиқликка чидамлилиги 1,5-1,8 баробар ошганлиги аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишлатилган физик-кимёвий (ИҚ-спектроскопия, рентгенструктурали ва кимёвий таҳлил) усуллар мажмуи билан асосланади, шунингдек, физик-механик ва адгезион хоссалари МДҲ

мамлакатларида руҳсат этилган усуллар билан тадқиқ қилинган. Тадқиқот натижалари математик ва статистик усулда қайта ишланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, маҳаллий ва иккиламчи хом ашёлардан танланган органик ва ноорганик ингредиентларнинг тузилиши ва физик-кимёвий хусусиятларини чуқур ўрганиш асосида композицион полимер елимларнинг физик-кимёвий ва мустаҳкамлик хусусиятларини шакллантириш қонуниятлари органоминерал ингредиентларнинг табиати, турлари, миқдори ва нисбатига боғлиқ ҳолда аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти алкоғолли ичимликларни ишлаб чиқаришда акциз маркали алкоғолли ичимликларга этикеткаларни ёпиштириш учун алкоғолли ичимликларни ишлаб чиқаришда композицион полимер елимларнинг ишлаб чиқилган таркибларини қўллаш, маҳаллий хом ашё ва саноат чиқиндилари асосида ишлаб чиқарилганлиги учун иқтисодий ва экологик самарадорликни таъминлаганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Импорт ўрнини босувчи самарали композицион полимер елимлар ва уларни олиш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

маҳаллий хом ашё ва саноат чиқиндиларидаги органик ва ноорганик ингредиентлар асосида ишлаб чиқилган композицион полимер елимлар «Мастона» АЖ ишлаб чиқариш корхонасида акциз маркали алкоғолли ичимликларни этикеткаларини ёпиштириш учун амалиётда жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Алкоғол ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлигининг 2021 йил 15 июлдаги 02-19/2461-сон маълумотномаси). Натижада, алкоғол ичимликлар ва ёрликларнинг ярқилик муддатини ва ишончилиги 2-3 бараварини ошириш имконини берган;

композицион полимер елимлар «Мастона» АЖ ишлаб чиқариш корхонасида амалиётда жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Алкоғол ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлигининг 2021 йил 15 июлдаги 02-19/2461-сон маълумотномаси). Натижада, ишлаб чиқилган елимни қўллаш орқали иқтисодий самарадорликка эга бўлиш имконини берган;

«Композицион полимер клей» олиш учун техник шарт «Ўзстандарт» агентлиги томонидан тасдиқланган (Ts 14952796-12:2021) ва акциз маркали алкоғолли ичимликларни этикеткаларини ёпиштириш учун композицион елимлар олишга технологик регламент ишлаб чиқилган (ТР 40.4-14952796-12:2021). Натижада, полимер материаллар асосида юқори адгезион хусусиятли композицион полимер елим олиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқотнинг натижалари 8 та халқаро ва 7 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 23 та илмий иш чоп этилган. Шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та илмий мақола, жумладан 6 та республика ва 2 та ҳорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 126 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида олиб борилган тадқиқотнинг долзарблиги ва унга бўлган талаб, тадқиқот мақсади ва вазифалари асосланган, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга қўлланиш бўйича тавсиялар, нашр қилинган ишлар ва диссертация тузилиши келтирилган.

Диссертациянинг **«Полимер елимлар таркиби ва олиш технологиясининг замонавий ҳолатини ўрганиш ва таҳлили ҳамда уларни саноатнинг турли соҳаларида қўллаш»** деб номланган биринчи бобида сўнгги йилларда ишлаб чиқилган кўпгина турли хил полимер елимларни қўллаш ва уларни ҳолатини замонавий адабиёт манбааларининг таҳлили келтирилган, айниқса, акциз маркали алкоғолли ичимликларни этикеткаларини ёпиштиришда қўлланиладиган ёпиштирувчи елимларга қўйиладиган талаблар шакллантирилган.

Адабиётлар таҳлилидан елимларни ишлаб чиқиш ва уларни иссиқликка, совуқликка, атмосферага чидамлилиги ва адгезион-когезион хоссалари тадқиқот қилишнинг мураккаблиги туфайли батафсил ўрганилмаган. Бундан ташқари, композицион полимер елимларнинг самарали таркибини яратиш ва уларни олиш технологиясига илмий асосланган ёндашувнинг йўқлиги, шунингдек, елимларни ишлаб чиқишда елим композицияси таркибига киритиладиган органоминерал ингредиентларнинг нисбати, миқдори, тури ва табиатининг елимларнинг адгезион-мустаҳкамлик хоссасига таъсири батафсил ўрганилмаган. Ушбу диссертация иши ана шу вазифаларни ҳал этишга бағишланган, бу эса ушбу диссертация ишининг мақсадини белгилайди.

Диссертациянинг **«Композицион полимер ёпишқоқ елимларни ишлаб чиқиш бўйича тадқиқот объектлари ва усуллари»** деб номланган иккинчи бобида маҳаллий хом ашё ва саноат чиқиндиларидаги органоминерал ингредиентлар асосида танланган объектлар асосланган ва ёритилган. Ишлаб чиқарилаётган композицион полимер елимларнинг физик-

кимёвий, физик-механик хусусиятларини тадқиқ қилиш усуллари ва олиш усуллари келтирилган. Композицион полимер елимларнинг физик-механик ва мустаҳкамлик хоссаларини тадқиқот қилишда олинган натижаларнинг статистик қайта ишлаш усуллари кўрсатилган.

Диссертациянинг «Маҳаллий ва иккиламчи хом ашёлардаги органоминерал ингредиентларнинг физик-кимёвий хоссаларини тадқиқ қилиш ва улар асосида импорт ўрнини босувчи композицион полимер елимларнинг самарали таркибларини ишлаб чиқиш» деб номланган учинчи бобида маҳаллий ва иккиламчи хом ашёлар асосидаги органоминерал ингредиентларнинг тузилиши, кимёвий таркиби ва физик-кимёвий хусусиятлари, олинаётган елимларнинг физик-кимёвий ва мустаҳкамлик хоссаларига уларнинг таъсири ва импорт ўрнини босувчи композицион полимер ёпиштирувчи елимларнинг оптимал таркибларини ишлаб чиқиш бўйича экспериментал тадқиқотлар натижалари келтирилган.

Композицион полимер елимларни яратиш учун боғловчиларнинг таъсирини ўрганиш мақсадида танлаб олинган кимёвий толаларнинг хоссалари тадқиқот қилинган. Ишлаб чиқарилаётган композицион полимер ёпиштирувчи елимларнинг тузилиши, физик-кимёвий ва мустаҳкамлик хоссаларини шаклланиши, шу билан бирга уларнинг технологик ва физик-механик, адгезион-когезион хоссалари елим ишлаб чиқаришда қўлланиладиган органоминерал ингредиентларнинг дастлабки хусусиятлари билан аниқланади. Бунинг учун биринчи навбатда елимнинг таркибий ыисмларини ташкил этувчи органоминерал ингредиентлар ва кимёвий толаларнинг таркиби, тузилиши, физик-кимёвий ва мустаҳкамлик хоссалари ўрганилди.


Композицион полимер елимларни ишлаб чиқиш мақсадида полимер боғловчиларни танлаш учун композициянинг қуйидаги компонентларининг физик-механик хусусиятлари ўрганилган: нитрон, капрон, лавсан, ацетат, триацетат ва вискоза толалари.

Ўтказилган тадқиқотлар натижаларига кўра арзон, толаси энг ингичка ва яхши физик-кимёвий хусусиятларига эга бўлгани нитрон толаси эканлиги аниқланди. Шунинг учун кейинчалик акциз маркали алкоғолли ичимликлар этикеткаларини ёпиштириш учун импорт ўрнини босувчи композицион полимер елимларни олиш ва ишлаб чиқиш учун полимер боғловчи сифатида нитрон толаси (полиакрилонитрил - ПАН) танлаб олинди.

Шуни таъкидлаш керакки, модификацияланмаган полиакрилонитрил 70% ва 20 % ишқор эритмасидан тайёрланган маҳаллий елимлар алкоғолли ичимликлар ишлаб чиқариш талабларига жавоб бермайди. Бу эса, ўз навбатида, полиакрилонитридан олинadиган елимларнинг адгезион ва когезион хоссаларини яхшилашни талаб этади, бунинг учун полиакрилонитрил толасини модификациялаш лозим бўлади.


Шу муносабат билан, биринчи навбатда, полиакрилонитрил (ПАН) толасини сульфат кислотасининг – H_2SO_4 сувли эритмаси билан модификациялаш ўрганилди.

Олинган маълумотлардан кўришиб турибдики (1-расм), сульфат кислотаси концентрациясининг 0,25 дан 0,5% гача ортиши ПАН толасининг статик алмашинув сиғимини (САС) бирданига ортишига олиб келади. Кейинчалик сульфат кислотаси концентрациясининг эритмада 0,5 дан 2,0% гача ортиши модификацияланган нитрон толасининг статик алмашинув сиғимида сезиларли ўзгаришларга олиб келмади. Нитрон толасининг 0,5 % ли сульфат кислота эритмаси билан 353 К ва 373 К ҳароратларда гидролиз кинетикаси ўрганилди (1, 2-расм). Олинган маълумотлардан кўришиб турибдики, гидролиз жараёнини 30 дақиқагача ошириш нитрон толасининг САСни ошишига олиб келади.



1- 353 К; 2-373 К;

1-расм. Турли хил ҳароратларда нитрон толасининг модификациясига сульфат кислота концентрациясининг таъсири



1- 353 К; 2-373 К;


2-расм. Турли хил ҳароратларда нитрон толасини сульфат кислота эритмаси билан гидролизлаш жараёнининг кинетикаси

Вақт ўтиши билан гидролиз жараёнида толанинг САСни жуда ортиши 373 К да содир бўлди. 373 К да 30-35 минут давомида гидролиз қилиш натижасида ПАН толасининг САС 2,1-2,3 мг-экв/г га тенг бўлди. Гидролиз жараёнини яна давом эттирилганда ПАН толасининг САС бирмунча камайди, буни карбамид гурухларининг карбоксил гурухларгача гидролизланиши билан асослаш мумкин.


Шундай қилиб, нитрон толасини сульфат кислотаси билан модификациялаш учун кислота концентрацияси 0,5%, ҳарорат 373 К ва вақт 30-35 минут давомида қайта ишлаш тавсия этилади.

Бундан ташқари, натрий гипохлорит концентрациясининг нитрон толасида ҳосил бўлган аминугурух миқдорига таъсири ўрганилди (3-расм). Реакцияни 353 К да 20 дақиқа давомида натрий гипохлорит концентрациясини 1,0 дан 10 г/л гача ўзгартириб амалга оширилди. Олинган маълумотлардан кўришиб турибдики, натрий гипохлорит концентрацияси 4,2 г/л бўлганда мувозанат юзага келди ва толада 1,75-1,85 мг-экв /г аминугурух ҳосил бўлди. 4,2 г/л натрий гипохлорит эритмаси билан 353 К да гидролизланган нитроннинг оксидланиш жараёнининг кинетикаси ўрганилди (4-расм). Олинган натижалардан кўришиб турибдики, оксидланиш

жараёнининг давомийлиги ортган сари аминокурух миқдори ортади ва 15-20 минут давомда мувозанат қийматига етади.




3-расм. Нитрон толасининг модификациясига натрий гипохлорит (NaClO) концентрациясининг таъсири



4-расм. Гидролизланган нитрон толасининг натрий гипохлорит (NaClO) эритмаси билан оксидланиш жараёнининг кинетикаси

Ўтказилган тадқиқотлар натижасидан кўришиб турибдики, аминокурухларни сақловчи нитрон толасини олиш мақсадида нитрон толасининг натрий гипохлорит билан модификациясида оптимал шароит сифатида: ПАН толаси сув хаммомида NaClO концентрацияси 10 г/л, 353 К ҳароратда 25-30 дақиқа давомида олиб бориши аниқланган.

Модификацияловчи агент сифатида гидроксилламиннинг турли хил концентрацияли эритмаларидан фойдаланилди. Ушбу жараённинг реакция механизми қуйидагича:




Гидроксилламин билан полиакрилонитрил толаси реакцияга киришганида полиакриламидоксим функционал гурухлари ҳосил бўлади. Лекин 90 °С да нитрон толасини амидоксиллаш анионалмашувчи ва комплекс ҳосил қилувчи толасимон материалларни олиш учун амалга оширилади. Бунда толанинг хоссалари, яъни кимёвий чидамлилиги ва механик мустаҳкамлиги ёмонлашади. Бу эса ишқор таъсирида елим композициясини ишлаб чиқишни янада осонлаштиради.

Нитрон толаси модификация жараёнининг кинетикасини ДМФ нинг 5% ли эритмасининг қайнаш ҳароратида хлорид кислотали гидроксилламин концентрациялари 6 г/л, 9 г/л, 12 г/л, 15 г/л ва 18 г/л бўлган эритмалар учун ўрганилди (5-расм).

Шуни таъкидлаш керакки, ПАН толасига гидроксилламинни таъсир эттирганимизда биринчи навбатда амидоксим гурухлари ҳосил бўлади, кейинчалик улар карбамид гурухларига айланади.


Олинган намуналарнинг HCl бўйича САС га ҳароратнинг таъсири ўрганилди. 6-расмдан кўришиб турибдики, дастлабки вақтларда модификацияланиш жараёни толанинг сирт юза қисмида боради, кейинчалик

эса модификациялаш давомийлиги ортган сари ҳамда эритмада хлорид кислотали гидроксилламин концентрациясининг ортиши натижасида полимер толасининг чуқур ўзгаришига ёрдам беради, бу эса САС қийматининг ортишига олиб келади (6-расм).



1, 2, 3 - мос равишда 6 г/л; 9 г/л; 12 г/л;

5-расм. Турли хил концентрациядаги гидроксилламин эритмалари билан нитрон толасининг модификациялаш жараёнининг кинетикаси




1, 2, 3 - мос равишда 6 г/л; 9 г/л; 12 г/л;

6-расм. Модификацияланган нитрон толасини гидроксилламиннинг қуйидаги концентрацияларида реакция хароратига боғлиқ ҳолда САС нинг ўзгариши

Энг яхши натижалар дастлабки эритманинг рН 6,5-7,0 бўлганда модификациялаш жараёни ўтказилганда эришилди. Адгезион, когезион ва физик-кимёвий хоссалари, шунингдек, ёпиштириш қобилияти ва полимерларнинг адгезион мустаҳкамлиги маълум бир даражада уларнинг тузилиши, кимёвий таркиби ва молекуляр оғирлигига боғлиқ.

Ёпишқоқ хоссали полимерларнинг структураси ва кимёвий тузилишидаги боғларни кўриб чиқиб, мономер ва полимер бирикмаларнинг адгезион ва когезион хоссаларига функционал гуруҳларнинг табиати таъсир этишини асословчи бир қатор мисоллар келтириш мумкин.

7-Расмда «Нитрон» толаси асосидаги елимнинг ИҚ-спектри келтирилган.



7-Расм. «Нитрон» толаси асосидаги елимнинг ИҚ-спектри


Келтирилган ютилиш чизиқларининг текисланиши гидроксилламин билан модификацияланган толалардан елимнинг ҳосил бўлганлигини асослайди. Гидроксилламин билан модификацияланган толаларга мақсадли

қўшимчаларнинг таъсири асосан амид гурухлари билан содир бўлади. Модификацияланган толалар билан мақсадли қўшимчалар орасида комплекс ҳосил бўлиши нитрил гурухлари билан ҳам боради. Шу сабабли елимнинг спектрида нитрил гурухининг кўп қисми комплекс ҳосил бўлишда иштирок этади (7-расм).

Деструкцияда елимнинг когезион бузилиши ва адгезион боғланишларнинг деструкцияси содир бўлади. У ёки бу омилнинг таъсирига боғлиқ ҳолда термик, термооксидловчи ва гидролитик деструкциялар фарқ қилинади. Шунини таъкидлаш керакки, елимловчи бирикмалар мустаҳкамлигининг камайиши физикавий ва кимёвий омилларнинг таъсири натижасида содир бўлади.

Композицион полимер елимнинг сувга чидамлилиги. Ишлаб чиқилган композицион полимер елимларнинг адгезион мустаҳкамлиги ўзгаришини аниқлаш учун биринчи навбатда елим намуналарининг сув ютиши ўрганилди ва композицион полимер елимнинг сувга чидамлилиги бўйича тадқиқотлар ўтказилди.

8-расмда ишлаб чиқилган модификацияланган композицион полимер елимнинг 30 сутка давомида сувда бўлиш вақтининг сув ютишига боғлиқ тадқиқот натижалари келтирилган.



1- мадификацияланмаган, 2- крахмал, 3- декстрин, 4- ёғоч уни
8-расм. Турли хил мақсадли қўшимчалар билан модификацияланган полиакрилонитрил асосидаги композицион полимер елимнинг сув ютишини сувда бўлиш муддатига боғлиқлиги

8-расмдаги 1, 2, 3, 4 эгри чизиқлардан кўриниб турибдики, 30 кун мобайнида барча ҳолатларида намуналарнинг сувни ютиши ортади. Намуналарнинг сўрилиши 30 кун ичида кўпаяди. Намуналарнинг кейинчалик яна сувда қолиш муддатининг чўзилиши натижасида сувни ютиши кескин камаяди ва 40 кун мобайнида сувда қолганида амалда шу ҳолатда сақланиб қолади, яъни сув ютишининг ортиши кузатилмайди. Модификацияланмаган намуналарнинг сувни ютиши модификацияланган намунадан кескин фарқ қилади.

Сувнинг энг кам сўрилиши ёғоч уни билан модификацияланган композицион полимер елимда кузатилади. Тўлдирилган намуналарнинг сувни ютиш кўрсаткичини камайиши, уч ўлчовли тикилган тузилмалар пайдо бўлганлиги билан изоҳланади. Композициянинг бундай тузилиши сув молекулаларини намуналар ичига киришга имкон бермайди ва бу эса материалнинг сувни ютишининг пасайишига олиб келади.

Алкоғолли ичимликлар ишлаб чиқаришда елимларга қўйиладиган асосий талаблардан бири, улар юқори адгезион хусусиятларга, иссиқлик-совуқликга чидамли хусусиятлари яхши бўлиши керак.

1-жадвалда елим бирикмаларининг иссиқлик таъсирида эскириш кўрсаткичлари келтирилган.

1-жадвал

Елим бирикмаларининг эксплуатация қилиш ҳарорати 80 °С гача иссиқлик таъсирида эскириши

Елим маркаси	Эскириш шароитлари		Силжишдаги бузилиш кучланиши, МПа					
	Ҳарорат, °С	Мустаҳ- камлик, с	Дастлабки ҳолат			Эскирганидан сўнг		
			- 80°С	20°С	80°С	- 80°С	20°С	80°С
К-153	80	500	9,1	9,7	9,0	9,5	10,5	8,9
Композицион полимер елим	80	500	9,2	10,2	9,8	9,6	11,0	9,2

1-жадвалдан кўришиб турибдики, елимланган бирикмаларга композицион полимер елимлар билан иссиқлик ишлов берилганидан сўнг, уларнинг мустаҳкамлик характеристикаси яхшиланади ва ҳар доим ишлатиладиган қиммат К-153 елимидан қолишмайди. Буни композиция компонентларини ташкил этувчиларни иссиқлик билан ишлов берилганидан сўнг фаол функционал марказлар ҳосил бўлиши ҳисобига мустаҳкам боғ ҳосил қилишини тузилишидаги афзалликлари билан тушунтириш мумкин.

Шундай қилиб, аниқланган қонуниятлар ва натижалар асосида, алкоғолли ичимликларни акциз маркаларини ёпиштиришда ишлатиш учун маҳаллий ва иккиламчи хом ашёлардаги органоминерал ингредиентлар асосида композицион полимер ёпишқоқ елимларнинг самарали таркиби ишлаб чиқилган. 2-жадвалда ишлаб чиқарилган композицион полимер елимнинг хусусиятлари кўрсатилган.

2-жадвал

Ишлаб чиқарилган композицион полимер елимнинг хусусиятлари

Кўрсаткичларнинг номланиши	Ўлчов бирлиги	Турли хил концентрацияли полиакрилонитрил толаси асосидаги елим		
		10%	15%	20%
Бошланғич қовушқоқлик	сП	130	160	220
25°С ҳароратда қуриш давомийлиги	мин	45	35	20
Елимлангандан сўнг бир сутка ўтиб силжишдаги бузилиш кучланиши	кг/см ²	20	25	35
Ажратиш учун сарфланган куч	кгс/м	35-45	60-70	95-100
25±5°С ҳароратдаги умрбоқийлиги	сутки	35	30	25
Елим сарфи	г/м ²	250	200	180


Диссертациянинг «Маҳаллий ва иккиламчи хом ашёлардаги органоинерал ингредиентлар асосида композицион полимер ёпишқоқ елимларни олиш технологиясини ишлаб чиқиш» деб номланган тўртинчи бобида қуйидаги элементларни ўз ичига олган елим композициялари олишнинг ишлаб чиқиладиган чиқиндисиз технологиясининг илмий-услубий тамойиллари келтирилган: а) елим рецепти; б) маҳаллий хом ашёдан елим ишлаб чиқариш технологик регламенти; в) тайёр елим композицияларини тайёрлаш учун қурилма; г) фойдаланиш учун тайёр елим ишлаб чиқаришни ишга туширишни мутахассис технолог томонидан кузатиш.

Елимни тайёрлаш жараёни тугагандан сўнг, ГОСТга мос келувчи қовушқоқлик ва физик-механик кўрсаткичлар аниқланади ва кейин елим тайёр маҳсулот омборига юборилади.

Маҳаллий ва иккиламчи хом ашёларнинг ингредиентлари асосидаги композицион полимер елимларни олиш технологиясининг моҳияти шундан иборатки, органик ва ноорганик ингредиентларни бойитиш ва енгил тозалашдан кейин улар механокимёвий ва термофизик қайта ишлаш орқали модификацияланади. Натижада, юқори адгезион ва когезион мустаҳкамликка эга бўлган композицион полимер елимларни олиш мумкин бўлади.

Ишлаб чиқариладиган композицион полимер елимларнинг асосий устунлиги, иккиламчи хом ашё ва саноат чиқиндиларидан фойдаланиш ҳисобига арзонлигидир.

9-Расмда кўрсатилган композицион полимер елимнинг тайёрлашнинг технологик жараёни қуйидаги асосий босқичлардан иборат:




9-Расм. Композицион полимер елимни олиш технологик схемаси

Шундай қилиб, ишлаб чиқиладиган технология алкоғолли ичимликларнинг ёпиштирилган акциз маркали этикеткаларини умрбоқийлигини яхши таъминловчи, юқори адгезион хоссага эга бўлган, маҳаллий ва иккиламчи хом ашёлар асосида сифатли композицион полимер елимлар олишга имкон беради.

Диссертациянинг «Маҳаллий ва иккиламчи хом ашёлардаги органоминарал ингредиентлар асосида ишлаб чиқилган композицион полимер ёпишқоқ елимларнинг таркиби ва яратилган ишлаб чиқариш технологиясининг амалий ва иқтисодий жиҳатлари» деб номланган бешинчи бобда маҳаллий ва иккиламчи хом ашёлардаги органоминарал ингредиентларни қўллаб, яратилган технологик линия, тажриба партияларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш натижалари, тажриба-саноат синовлари ва яратилган композицион полимер ёпишқоқ елимларнинг техник-иқтисодий самарадорлигини ҳисоблаш натижалари келтирилган. Яратилган технология асосида маҳаллий ва иккиламчи хом ашёлардаги органоминарал ингредиентлар асосида композицион полимер ёпишқоқ елимларни ишлаб чиқариш учун модулли технологик линиянинг ишлаб чиқилган оригинал схемаси 10-расмда келтирилган.

2020 йил 9 январдан 2020 йил 20 январгача бўлган даврда алкоғолли ичимликларни акциз маркалари ва этикеткаларини ёпиштириш учун маҳаллий ва иккиламчи хом ашёлар асосида органик ва ноорганик ингредиентлардан композицион полимер елимларни янги тажриба партияларини «КОМПОЗИТ NANOTEХНОЛОГИЯСИ» МЧЖ базасида композицион полимер елим олиш технологиясини синовдан ўтказиб ишлаб чиқариш амалга оширилган.



1-реактор; 2-АГВ; 3- каустик сода; 4-сульфат кислота; 5- нитрон толаси; 6, 7, 8- дозаторлар; 9- двигатель; 10- редуктор; 11- кувур; 12- тен; 13- қоққок; 14- қўшимча кават; 15-тайёр маҳсулот

10-расм. Маҳаллий ва иккиламчи хом ашё асосида композицион елим олиш технологияси

3-жадвалда маҳаллий ва иккиламчи хом ашёлардаги органоминарал ингредиентлар асосида композицион полимер елимларнинг физик-механик хоссалари келтирилган.

3-жадвал

**Маҳаллий ва иккиламчи хом ашёлардаги органоминарал
ингредиентлар асосида композицион полимер елимларнинг физик-
механик хоссалари**

Кўрсаткичларнинг номланиши	Ўлчов бирлиги	Композицион полимер материаллар асосидаги елим		
		10%	15%	20%
Бошланғич қовушқоқлик	сП	120	150	210
25 ⁰ С ҳароратда қуриш давомийлиги	мин	40	30	20
Елимлангандан сўнг бир сутка ўтиб силжишдаги бузилиш кучланиши	кг/см ²	25	30	40
Ажратиш учун сарфланган куч	кгс/м	40-45	65-75	90-100
25±5 ⁰ С ҳароратдаги умрбоқийлиги	сутки	30	25	20
Елим сарфи	г/м ²	300	250	200

Елим ишлаб чиқариш учун ишлаб чиқилган илмий - услубий тамойиллар ва технологик линия асосида ҳамда композицион полимер елимларнинг тажриба - ишлаб чиқаришнинг натижалари асосида уларга ташкилот стандарти (техник шартлар) ва технологик регламент тузилган. Акциз маркалари КПК-2 елими билан ёпиштирилган алкоғол маҳсулотлар - 5⁰С дан +25⁰С гача бўлган ҳарорат оралиғида синовдан ўтказилди ва кейинчалик фойдаланиш учун тавсия этилди.

Композицион материаллардан тайёрланган КПК-2 маркали елими ГОСТ 14760 га мос келиши аниқланди.

Маҳаллий ва иккиламчи хом ашёлардаги органоминарал ингредиентлар асосида ишлаб чиқилган КПК-1 ва КПК-2 маркали композицион полимер ёпишқоқ елимлари «Мастона» АЖ ходимлари иштирокида 2021 йил июл ойида синовдан ўтказилди ва «Ўзбекистон Республикаси алкоғол ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлиги» га қарашли «Мастона» АЖ корхонасида амалиётга жорий этилди.

Республика корхоналаридаги елимга бўлган минимал эҳтиёж 800-1000 тоннани ташкил қилади. Ишлаб чиқилган композицион елимнинг бир килоси 5000 сўм. Импорт қилинган елимнинг нархи тури ва маркасига қараб 25-30 минг сўм оралиғида туради. Шу билан бирга, янги ишлаб чиқилган композицион елимни алмаштиришдан олинган иқтисодий самарадорлик қуйидагича: агар 12000 шиша идишга елим сарфи 3 кг ни ташкил этса, четдан импорт қилинган елим нархи 75000 сўмни ташкил этади.

Ишлаб чиқилган композицион полимер елим 15000 сўмни ташкил этади. Фарқи 60000 сўм х 253 (йилига иш куни) = 15 млн 180 минг сўм
Агар шунақанги заводлардан республикада 66 дона бўлса, унда 66 дона х 15 180,0 минг сўм = 1001 880 000 сўм.

Композицион полимер елимларга бўлган эҳтиёждан кутилаётган иқтисодий самарадорлик, юқорида таъкидланганидек, $10\,000\,000\text{ кг} \times 25000 = 25$ млрд. сўмни ташкил этади.

ХУЛОСА

1. Маҳаллий ва иккиламчи хом ашёлардаги органоминарал ингредиентлар асосида юқори адгезион ва когезион хоссаларга эга бўлган импорт ўрнини босувчи самарали композицион полимер ёпишқоқ елимларни яратишда илмий-услубий ёндашув ишлаб чиқилди ва алкоғолли ичимликларнинг акциз маркали этикеткаларини ёпиштириш учун тавсия этилди.

2. Композицион полимер ёпишқоқ елимларнинг физик-механик ва ёпишқоқлик хусусиятларини яхшиланиши, полимер елимларни модификацияловчи моддаларнинг табиатига, кимёвий таркибига ва тузилишига боғлиқлиги аниқланди.

3. Ҳароратнинг технологик омилларга ва турли хил модификаторларнинг миқдорига, шунингдек, полиакрилонитрил композициялари статик алмашинув сиғими (САС) қийматларига таъсир қонуниятлари аниқланди.

4. Елим композициясига мақсадли модификацияловчи қўшимчаларнинг киритилиши, алкоғолли ичимликларни ишлаб чиқариш шароитида эксплуатация қилиш учун ишлаб чиқарилаётган композицион полимер елимларнинг адгезион, мустаҳкамлик ва бошқа физик-механик хоссаларини яхшилашга ёрдам бериши аниқланди.

5. Маҳаллий ва иккиламчи хом ашёлардаги органоминарал ингредиентлар асосида юқори адгезион ва когезион хоссаларга эга бўлган КПК-1 ва КПК-2 типидagi композицион полимер ёпишқоқ елимларнинг оптимал таркиби ишлаб чиқилди ва алкоғолли ичимликларнинг акциз маркали этикеткаларини ёпиштириш учун тавсия этилди.

6. Олинган ёпишқоқ елим, ўзининг барча хусусиятларига кўра алкоғолли ичимликлар ва бошқа материалларни ишлаб чиқаришда, синтетик полимерлар ва эластомерлар асосидаги елимларни ишлатиб тайёрланадиган елимларга қўйилган талабларга жавоб бериши аниқланди.

7. Маҳаллий ва иккиламчи хом ашёлардаги органоминарал ингредиентлар асосида акциз маркали алкоғолли ичимликларнинг ёпиштирилган этикеткаларини умрбоқийлигини тaminловчи ёпишқоқ композицион полимер елимларни олиш технологияси ишлаб чиқилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.К/Т.03.01 ПО
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ГОСУДАРСТВЕННОГО
УНИТАРНОГО ПРЕДПРИЯТИЯ «ФАН ВА ТАРАККИЁТ» ПРИ
ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ ТЕХНИЧЕСКОМ
УНИВЕРСИТЕТЕ имени ИСЛАМА КАРИМОВА**

**ГОСУДАРСТВЕННОЕ УНИТАРНОЕ ПРЕДПРИЯТИЕ
«ФАН ВА ТАРАККИЁТ»
ТАШКЕНТСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО ТЕХНИЧЕСКОГО
УНИВЕРСИТЕТА имени ИСЛАМА КАРИМОВА**

ТУХЛИЕВ ГАЙРАТАЛИ АХМАДАЛИЕВИЧ

**РАЗРАБОТКА ЭФФЕКТИВНОГО ИМПОРТОЗАМЕЩАЮЩЕГО
КОМПОЗИЦИОННОГО ПОЛИМЕРНОГО КЛЕЯ И ТЕХНОЛОГИИ ИХ
ПОЛУЧЕНИЯ**

**02.00.07 – Химия и технология композиционных, лакокрасочных и
резиновых материалов (технические науки)**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована под номером В2021.2.PhD/Т2224 в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан.

Диссертация выполнена в Государственном унитарном предприятии «Фан ва тараккиёт» Ташкентского государственного технического университета имени Ислама Каримова.

Автореферат диссертации размещен на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) на веб-странице Научного совета по адресу www.gupft.uz и Информационно-образовательном портале «Ziyonet» по адресу www.ziyonet.uz.

Научные руководитель: Негматова Комила Сайибжановна,
доктор технических наук, профессор

Официальные оппоненты: Собиров Баходир Бойпўлатович
доктор технических наук, доц

Амонов Мухтор Рахматович
доктор технических наук, профессор

Ведущая организация: Ташкентский химико-технологический институт

Защита диссертации состоится «11» сентября 2021 года в 14⁰⁰ часов на заседании разового научного совета DSc.27.06.2017.К/Т.03.01 при ГУП «Фан ва тараккиёт» Ташкентского государственного технического университета имени Ислама Каримова (Адрес: 100174, г. Ташкент, ул. Мирзо Голиба 7а. тел.: (99871) 246-39-28; факс: (99871) 227-12-73; e-mail: gupft@inbox.uz, на здание «Фан ва тараккиёт» ГУП, 2 этаж, зал конференций).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре ГУП «Фан ва тараккиёт» (Зарегистрированный номером № 23). (Адрес: 100174, г. Ташкент, ул. Мирзо Голиба, 7а. Тел. (99871) 246-39-28, факс: (+99871) 227-12-73).

Автореферат диссертации разослан «10» сентября 2021 года (протокол реестра № 23-2021 от 26 августа 2021 г.).



С.С. Негматов

Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор, академик АН РУз,

М.Э. Икрамова

Ученый секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, к.х.н., с.н.с.

А.М. Эминов

Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии(PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. На сегодняшний день в мире большой спрос на полимерных клеев, применяемых для склеивания различных материалов в промышленных предприятиях, в строительстве и мебельной промышленности. Одна из важных задач в этом направлении является создание композиционных полимерных клеев с высокими адгезионно-когезионными свойствами для склеивания маркировки акцизными марками алкогольных напитков, наклеивание бумажных этикеток и других распознавательных предупредительных знаков на металлический, стеклянный, пластиковый, картонный и на другие тары для пищевой промышленности и других производств.

В мире большое значение имеют научные исследования по созданию эффективных и дешевых композиционных полимерных клеев с высокими физико-химическими свойствами на основе промышленных отходов для наклеивания бумажных этикеток и других предупредительных знаков, акцизных марок алкогольных напитков. В этом аспекте создание и повышение качества эффективных композиционных полимерных клеев с высокими адгезионно-когезионными свойствами, улучшение физико-химических свойств, а также совершенствование технологии их производства на сегодняшний день приобретают особую важность.

В Республике Узбекистан проводятся исследовательские работы и получены определенные результаты в области разработки клеев на основе местного сырья и отходов производств. Однако, эти разработанные полимерные клеи недостаточно отвечает требованиям производства алкогольных напитков. В четвертом пункте четвертого направления программы Стратегических действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан отмечены важные задачи по «...эффективные механизмы стимулирования научно-исследовательской и инновационной деятельности, применения научных и инновационных разработок...»² поставлены важные задачи. В этом аспекты разработка эффективных импортозамещающих композиционных полимерных клеев на основе органоминеральных ингредиентов из местного сырья и отходов производств и технологии их получения представляет особое значение.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в указах Президента Республики Узбекистан от 13 марта 2020 г. № УП-5963 «О дополнительных мерах по углублению реформ в строительной сфере Республики Узбекистан» и от 15 марта 2020 г. № УП-6079 об утверждении Стратегии «Цифровой Узбекистан-2030» и мерах по ее эффективной реализации, УП-4947 от 7 февраля 2017 года «Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития

² Указ Президента Республики Узбекистан № УП-4947 «О Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах»

Республики Узбекистан в 2017-2021 годах», а также в других нормативно-правовых документах, приняты в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологии республики VII «Химические технологии и нанотехнологии».

Степень изученности проблемы. В области разработки и создания композиционных полимерных и клеевых материалов, внесли определенный вклад следующие ученые: Tadashi Ashida, Abolfazl Tutunchi, Rahman Kamali, T. Jeffrey, Tatsuo Ogasa, Jun Takahashi, T. Uryu, M. Okada, Д.А. Кардашов, Р.З. Темкина, И.П. Бердинский, Е.Н. Зильберман, Г.И. Кудрявцев, М.А. Жаркова Ю.Ф. Вабаоя, К.Р. Кийслер, Л.П. Круль, С.П. Дорофеев, академики С.С. Негматов, С.Ш. Рашидова, А.Т. Джалилов, профессора А.Х. Юсупбеков, А.С. Ибодуллаев, Ж.Х. Халиков и многие другие. А также, при научном анализе этикеточных-ярлычных изделий проводили научно-исследовательские работы такие ученые как, К.М. Кантор, В.Ф. Сидоренко, В.Р. Аронов, А.Н. Лаврентьев, Н.В. Воронов, Э.М. Глинтерник, И.Н. Стор, С.М. Михайлов, Е. Черневич, С.И. Серов и другие.

Исходя из анализов существующих работ, необходимо отметить, что при исследовании и разработки клеев недостаточно учтены теплостойкость, атмосферостойкость и адгезионно-когезионные свойства из-за сложности исследования. Разработка тепло-морозостойких, с высокими адгезионно-когезионными свойствами композиционных полимерных материалов из местного сырья и отходов производств и липких клеев на их основе, применяемых для наклейки маркировки алкогольных напитков акцизными марками еще далеко от своего завершения. На решение этих проблемы и посвящена настоящая диссертационная работа.

